



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 26 yil « 16 » aprel

№ 175

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг 71-позицияси “Фаолият турининг номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Шиша идишлар, металл парча ва чиқиндиларини ҳамда бошқа иккиламчи хомашёни қабул қилиш (харид қилиш) хизматлари”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибининг изоҳ қисми қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

“5¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслар учун давлат хизматлари нархи хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно)”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида” сўзлари “худудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари марказида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банддаги “(фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат)” сўзлари “(чолғу ижрочилиги, вокал санъати, халқ ижодиёти) ва санъат (хореография, тасвирий санъат, амалий санъат, дизайн, актёрлик санъати)” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-банддаги “бир ёхуд бир неча таълим йўналишлари” сўзлари “бир ёки иккита мутахассислик” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14-банддаги “5” рақами “5-7” рақамлари билан алмаштирилсин;

д) 16-банднинг “а” кичик банди биринчи хатбошисидаги “(йўналишлари)” сўзи “ва мутахассисликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 18-бандда:

иккинчи хатбошидаги “(фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги)” сўзлари “(чолғу ижрочилиги, вокал санъати, халқ ижодиёти)” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши “хореография” сўздан кейин “йўналиши” сўзи билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошидаги “тасвирий ва амалий санъат мутахассисликлари” сўзлари “тасвирий санъат, амалий санъат ва дизайн йўналишлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “театр санъати мутахассисликлари” сўзлари “актёрлик санъати йўналиши” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 19-бандда:

“а” кичик банддаги “(фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги)” сўзлари “(чолғу ижрочилиги, вокал санъати, халқ ижодиёти)” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тасвирий санъат, амалий санъат ва дизайн – чизматасвир, рангтасвир, композиция фани”;

тўртинчи хатбошидаги “театр” сўзи “актёрлик” сўзи билан алмаштирилсин;

з) қуйидаги мазмундаги 20¹–20⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

20¹. Жадвал бўйича қабул синовларига келмаган ўқувчилар учун қайта синовлар ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

20². Тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича синов натижалари қабул синовлари яқунлангандан сўнг уч кун мобайнида эълон қилинади.

20³. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида қабул синовлари ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун 3-5 нафар мутахассис ўқитувчилардан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркиби таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссияси аъзоларининг киритилиши тақиқланади.

Қабул синовини ўтказган қабул комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари қабул синовлари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан бир кун муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқишда апелляция комиссияси мазкур Низомнинг 18-бандига мувофиқ ўқувчининг ижодий қобилиятини қайта аниқлайди.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қабул синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қабул синови натижаларини қайта баҳолаш орқали ўзгартириш қарорларидан бирини қабул қилади.

20⁴. Қабул синовлари натижалари тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар кесимида алоҳида қабул қайдномаларига киритилади.

Ушбу қабул қайдномалари ҳар бир йўналиш ва мутахассислик бўйича қабул комиссияси раиси ва қабул комиссиясининг котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади”;

и) 26-банддаги “қўшимча таълимга қўйиладиган” сўзлари “болалар мусиқа ва санъат мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 30-бандда:

биринчи хатбошидаги “(фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, тасвирий санъат, амалий санъат, театр санъати)” сўзлари “(чолғу ижрочилиги, вокал санъати, халқ ижодиёти) ва санъат (хореография, тасвирий санъат, амалий санъат, дизайн, актёрлик санъати)” сўзлари билан алмаштирилсин;

жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Т/р	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари	Қабул ёши	Ўқиш муддати
I. Мусиқа йўналиши			
Таълим йўналиши: Чолғу ижрочилиги			
1.	Фортепиано ижрочилиги	7–10	7 йил
2.	Торли чолғулар ижрочилиги (скрипка, альт, виолончель, контрабас)	7–10	7 йил
3.	Эстрада чолғулари ижрочилиги: фортепиано, торли чолғулар (скрипка, альт, виолончель, контрабас);	7–10	7 йил
	дамли ва зарбли чолғулар (кларнет, саксофон, труба, тромбон, урма-зарбли чолғулар), гитара, бас гитара	7–12	5 йил
4.	Халқ чолғулари ижрочилиги (най, кўшна, чанг, қонун, рубоб прима, қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, дутор,	7–12	5 йил

	датор бас, ғижжак, ғижжак альт, ғижжак қобуз бас, ғижжак қобуз контрабас, доира, баян, аккордеон, гитара)		
5.	Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги (флейта, гобой, кларнет, саксофон, фагот, труба, баритон, тромбон, валторна, туба, урма-зарбли чолғулар)	7–12	5 йил
6.	Анъанавий чолғулар ижрочилиги (най, қўшнайн, чанг, қонун, ғижжак, қашқар рубоб, танбур, датор, уд, доира)	7–12	5 йил
Таълим йўналиши: Вокал санъати			
7.	Анъанавий хонандалик	7–12	5 йил
8.	Академик хонандалик	7–12	5 йил
9.	Эстрада хонандалиги	7–12	5 йил
Таълим йўналиши: Халқ ижодиёти			
10.	Бахшичилик ижрочилиги	7–12	5 йил
11.	Фольклор ижрочилик санъати	7–12	5 йил
12.	Аския санъати	7–12	5 йил
II. Санъат йўналиши			
Таълим йўналиши: Хореография			
13.	Классик рақс ижрочилиги	7–12	5 йил
14.	Халқ рақси ижрочилиги	7–12	5 йил
15.	Эстрада рақс ижрочилиги	7–12	5 йил
Таълим йўналиши: Тасвирий санъат			
16.	Дастгоҳли рангтасвир	7–12	5 йил
17.	Хаттотлик ва миниатюра	7–12	5 йил
18.	Графика	7–12	5 йил
19.	Ҳайкалтарошлик	7–12	5 йил
Таълим йўналиши: Амалий санъат			
20.	Бадиий ёғоч ўймакорлиги	7–12	5 йил
21.	Бадиий ганч ўймакорлиги	7–12	5 йил
22.	Бадиий наққошлик	7–12	5 йил
23.	Бадиий кулолчилик	7–12	5 йил
24.	Бадиий мисгарлик	7–12	5 йил
25.	Бадиий заргарлик	7–12	5 йил
26.	Бадиий зардўзлик	7–12	5 йил
27.	Бадиий каштачилик	7–12	5 йил
28.	Қўғирчоқ яшаш технологияси	7–12	5 йил
Таълим йўналиши: Дизайн			
29.	Архитектура дизайни	7–12	5 йил
30.	Либослар дизайни	7–12	5 йил
31.	Компьютер графикаси дизайни	7–12	5 йил
32.	Флористика дизайни	7–12	5 йил

Таълим йўналиши: Актёрлик санъати			
33.	Театр ва кино актёрлиги	7–12	5 йил
34.	Қўғирчоқ театри актёрлиги	7–12	5 йил

”;

л) қуйидаги мазмундаги 31¹-банд билан тўлдирилсин:

“31¹. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш ўзбек, қорақалпоқ ва рус ва бошқа тилларда олиб борилади”;

м) қуйидаги мазмундаги 38¹-банд билан тўлдирилсин:

“38¹. Болалар мусиқа ва санъат мактаби битирувчиларига бериладиган гувоҳнома бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида, мазкур Низомга иловага мувофиқ тасдиқланган шаклга мувофиқ тайёрланади”;

н) 39-банд “инобатга олган ҳолда” сўзларидан кейин “ўқув йили бошида” сўзлари билан тўлдирилсин;

о) 44-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ҳудудий халқ таълими” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, “Маданият таълими маркази” давлат муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Қўшимча таълимга қўйилган” сўзлари “болалар мусиқа ва санъат мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “қўшимча таълимга” сўзлари “болалар мусиқа ва санъат мактабларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 46-бандда:

иккинчи хатбошидаги “қўшимча таълимга қўйилган” сўзлари “болалар мусиқа ва санъат мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “бир неча таълим йўналиши” сўзлари “бир ёки иккита мутахассислик” сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 51-банднинг иккинчи хатбошисидаги “қўшимча таълимга қўйилган” сўзлари “болалар мусиқа ва санъат мактабларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

с) 54-бандда:

биринчи хатбошидаги “Халқ таълими” сўзлари “Маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мусиқа йўналишлари бўйича педагог ва мутахассис кадрлар – Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида, тасвирий

ва амалий санъат, дизайн йўналишлари бўйича педагог ва мутахассис кадрлар – Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказида режа асосида бепул малака оширадилар”;

т) қуйидаги мазмундаги 54¹–54³-бандлар билан тўлдирилсин:

“54¹. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлари ва директор ўринбосарлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган менежерлик ўқув курсларида ўқитилади.

54². Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг педагог ходимлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака ошириш курсларига жалб этилади.

54³. Малака ошириш ташкилотларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши ҳамда мустақил малака ошириши белгиланган тингловчиларнинг якуний аттестацияси ўтказиладиган даврда уларнинг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, ўқув юкламалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда малака ошириш учун бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ётоқхона ва кунлик харажатлари ҳамда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган ташкилот ҳисобидан қопланади”;

у) 57-банднинг биринчи хатбошисидаги “ўринбосарларига 27 календарь кундан ҳамда ўқитувчи,” сўзлари “ўринбосарларига, ўқитувчи ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

ф) 59-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш, уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш “Маданият таълими маркази” давлат муассасаси томонидан амалга оширилади”;

х) 60-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“60. Болалар мусиқа ва санъат мактабларига бевосита раҳбарликни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда “Маданият таълими маркази” давлат муассасаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор амалга оширади”;

учинчи хатбошидаги “Халқ таълими” сўзлари “Маданият” сўзи билан алмаштирилсин;

ц) 61-банднинг ўнинчи хатбошисидаги “уйлари, клублар” сўзлари “марказлари” сўзи билан алмаштирилсин;

ч) қуйидаги мазмундаги 61¹-банд билан тўлдирилсин:

“61¹. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари “Маданият таълими маркази” давлат муассасаси билан келишилган ҳолда, шунингдек, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари таълим муассасаси директори тавсиясига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади”;

ш) 69-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“асосий машғулотлардан ташқари турли ўқув курсларини ташкил этишдан олинган маблағлар;”;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

э) 74-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий штатлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади”;

ю) 80-банднинг биринчи хатбошиси “ўқув йили якунида” сўзларидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда” сўзлари билан тўлдирилсин;

я) қуйидаги мазмундаги илова билан тўлдирилсин:

“

Болалар мусиқа ва санъат
мактаблари тўғрисидаги низомга
илова

**Болалар мусиқа ва санъат мактаби битирувчиларига ўқишни
тугатганлиги тўғрисида бериладиган гувоҳноманинг
ШАКЛИ**

**Болалар мусиқа ва санъат мактаби гувоҳномасининг
ТАВСИФИ**

Болалар мусиқа ва санъат мактаби гувоҳномаси намунаси 100 x 150 мм ўлчовда тўқ кўк рангли ледериндан тайёрланган. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда юқорида давлат тилида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI” сўзлари ёзилган, марказда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган, пастроқда давлат тилида “GUVOHNOMA” сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички варақ ўлчами – 95 x 142 мм, жойлашиш тартиби – вертикал, офсет босма усулда, бўёқлар сони “оддий” – 4+N.

Гувоҳноманинг чап варағида тўққизта позицияда: МТ ҳарфи ва еттита рақамли тартиб рақами ёзилади.

Муқова материали ранги тўқ кўк. Тўғри бурчакли (юмшоқ ёстикча) билан қопланган қаттиқ муқовали. Муқова материали – бумвинил (қоғоз қатлами асоси – поливинилхлорид) тўқ кўк рангли, материал қалинлиги – 170+20 мкм. Муқовада матн олтин ранг зарли қоғозда юқорида давлат тилида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI”, марказда диаметри 40 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, пастрокда давлат тилида “GUVONNOMA” номи қиздириб нақш солиш орқали ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз – 100 фоиз пахта толасидан, қалинлиги – 140+5 г/кв.м, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши кўринадиган “пахта кўсаги” кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси бор;

кўринадиган рангли тола қизил ва яшил тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги – 2,5-3 мм, “киприк” шаклида, ультрабинафша нурларисиз кўринади;

кўринмайдиган тола кўк ва оч яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги – 2,5-3 мм, “киприк” шаклида ультрабинафша нурлари остида кўринади.

Босма тафсилоти:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланади;

ички варақнинг асосий фони оч жигарранг, икки тангир сеткадан пайдо бўлган ингичка синусоидал чизиқдан ташкил топган нусха кўчирилмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қилади;

тангир сеткаларининг бири “ирис” эффекти қўлланган ҳолда чоп этилади, яъни марказда яшил рангдан четлари бўйича ҳаво рангга равон ўтади;

ички варақ марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири бўлади, диаметри – 35 мм, саккиз бурчак билан ҳошияланади;

бланканинг тўрт бурчагида мураккаб чизиқли нақш жойлаштирилади. Бу нақшлар ҳар хил қалинликдаги чизиқлардан ташкил топади, шакли ва зичлиги бир-бирига қопланиб, ягона зарҳални юзага келтиради. Қалбакиликдан нусха кўчирилмайдиган ва сканерланмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қилади;

ички варақнинг икки тарафи марказида “Ҳумо” куши (25 x 40 мм ўлчамли) қиёфасида кўринмайдиган тасвир жойлаштирилади;

чап тарафда кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринади, узлуксиз чизикни юзага келтиради ва такрорланадиган “BOLALAR MUSIQA VA SAN’AT MAKTABI GUVOHNOMASI” сўзлари бирикмасидан иборат. Кичик матннинг юқори қисмида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI BOLALAR MUSIQA VA SAN’AT MAKTABI GUVOHNOMASI” сўзлари жойлашади. Нусха кўчириш ва қалбакилаштиришдан ҳимояланади;

серия “MT” ва етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

Гувоҳноманинг ички чап томони

(Ўзбекистон Республикаси
Давлат гербининг тасвири)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI**

**BOLALAR MUSIQA VA SAN’AT MAKTABI
GUVOHNOMASI**

MT № 0000000

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ____ yilda _____

(viloyat, shahar, tuman)

_____-son bolalar musiqa va san’at maktabiga o‘qishga kirib,

20 ____ yilda ____-son bolalar musiqa va san’at maktabining

to‘la sinfini _____ yo‘nalishi

_____ mutaxassisligi

bo‘yicha tamomladi.

Bolalar musiqa va san'at maktablari uchun belgilangan davlat ta'lim talablariga muvofiq o'quv fanlaridan olgan bilim va ko'nikmalari quyidagicha baholandi:

<u>O'quv fanlari</u>	<u>Baholari</u>
1. _____	_____
2. _____	_____
3. _____	_____
4. _____	_____
5. _____	_____
6. _____	_____
7. _____	_____
Direktor _____	_____
imzo	(ismi va familiyasi)

M.O'

20 ____ yil " ____ " _____ da berildi.

Ro'yxat raqami _____

”.

4. Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий, маданий савияси ва билимларини мунтазам ошириб бориш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 11 октябрдаги 812-сон қарорининг 2-банди биринчи

хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси” ва “сержантлар тайёрлаш мактаблари” сўзлари тегишлича “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети” ва “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Сержантлар тайёрлаш олий мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 декабрдаги 985-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ҳузуридаги Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш таркибининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Олий таълимдан кейинги таълим бўлими бошлиғи”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 111-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат авиациясининг авиация ходимларига мансуб лавозимлар рўйхатининг рус тилидаги матнида:

а) 2-банднинг “д” кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в Военном авиационном институте университета военной безопасности и обороны Республики Узбекистан.”;

б) 4-банддаги “высшего военного авиационного училища” сўзлари “Военного авиационного института университета военной безопасности и обороны Республики Узбекистан” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарорида:

а) 2-илова қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Жисмоний шахсларни газ тармоқларига улашда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 11-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

б) 3-илова қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Жисмоний шахсларни иссиқлик таъминоти тармоқларига улашда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 11-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

в) 4-илова қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Жисмоний шахсларни сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоқларига улашда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 11-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматлари марказлари ёки онлайн тарзда (масофадан туриб) расмий ахборот ресурслари орқали электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

“5¹. Жисмоний шахсларга ЭРИ калитларининг сертификатларини беришда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 5-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги 425-сон қарори билан тасдиқланган Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тайёрлаш – металл парчаларини сотиб олиш, саралаш ҳамда кесиш, майдалаш ва (заруратга кўра) пресслаш орқали ўлчамга келтириш”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тайёрловчи – қора ва рангли металл лому ҳамда чиқиндиларини харид қилиш, уларни тайёрлаш (саралаш ҳамда кесиш, майдалаш ва (заруратга кўра) пресслаш орқали ўлчамга келтириш) ҳамда қайта ишловчи корхоналарга реализация қилиш учун лицензияга эга тадбиркорлик субъекти;”

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“қайта ишлаш ва реализация қилиш – тайёрланган (сараланган ва ўлчамга келтирилган) қора ва рангли металл лому ҳамда чиқиндиларини технологик ишлов бериш (қайта эритиш, қуйиш, прокатлаш ёки бошқа металлургик қайта ишлаш амалиётлари) орқали ярим тайёр ёки тайёр металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш;

қайта ишловчи ва реализация қилувчи – қора ва рангли металл лому ҳамда чиқиндиларини қабул қилиш (харид қилиш) ҳамда уларга технологик ишлов бериш (қайта эритиш, қуйиш, прокатлаш ёки бошқа қайта ишлаш амалиётлари) орқали ярим тайёр ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун лицензияга эга тадбиркорлик субъекти”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарорида:

а) 3-бандда:

“а” кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20 фоиз – ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларида ўқитувчиларга мутахассислик фанлар бўйича амалда ўтказилган дарслар учун, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда тарбиячиларга, шу жумладан, тарбиячилар ёрдамчиларига;”;

“б” кичик банддаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон қарори” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфлари ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги 792-сон қарори” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар битирувчиларига бериладиган диплом ва дипломга илова бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида, тасдиқланган намунага мувофиқ тайёрланади”;

б) 1-иловада:

3-банддаги “Молия вазирлиги ғазначилик бўлинмасида” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасида” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

“8¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда мусиқа, рақс, театр, халқ ижодиёти, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари (касб ва мутахассисликлари) бўйича таълим берилади.”;

12-бандда:

биринчи хатбошидаги “Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 12¹ ва 12²-бандлар билан тўлдирилсин:

“12¹. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда мутахассислик фанларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ихтисослик ўқув режаларини тузишда ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг таянч ўқув режалари доирасида умумий ўрта таълим фанларининг намунавий ўқув режаларига ўзгартириш киритилади.

12². Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан бепул таъминланади”;

15-банддаги “Халқ таълим вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 16¹–16⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

“16¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари директорлари ва директор ўринбосарлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда, Маданият вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган менежерлик ўқув курсларида ўқитилади.

16². Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларининг педагог ходимлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака ошириш курсларига жалб этилади.

16³. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг:

умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчилари – А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва ҳудудий педагогик маҳорат марказларида режа асосида бепул;

мутахассислик фанлари бўйича педагог ходимлар – Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида, Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш марказида режа асосида бепул малака оширадилар.

16⁴. Малака ошириш ташкилотларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши ҳамда мустақил малака ошириши белгиланган тингловчиларнинг якуний аттестацияси ўтказиладиган даврда уларнинг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, ўқув юкнамалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда малака ошириш учун бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ётоқхона ва кунлик харажатлари ҳамда ўқишга бориш ва ундан қайтиш

бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган ташкилот ҳисобидан қопланади”;

17-банднинг биринчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 17¹ ва 17²-бандлар билан тўлдирилсин:

“17¹. Ўқувчиларнинг ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқишни кўчириш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишган ҳолда бўш ўринга ижодий синов натижаларига кўра комиссия хулосаси асосида амалга оширилади.

17². Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар битирувчи ўқувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади”;

18-банднинг “а” кичик бандида:

олтинчи хатбошидаги “5-синфдан” сўзлари “5 ва 7-синфлардан” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“8-синфдан (Опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатига)”;

19-банднинг биринчи хатбошиси “кўриб чиқиш бўйича” сўзларидан кейин “қабул” сўзи билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 20¹–20³-бандлар билан тўлдирилсин:

“20¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда ижодий синовлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг комиссияси тегишли касб ва ихтисослик бўйича баҳолаш комиссияси таркибига номзодларни ўз вақтида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига тақдим этади;

ижодий синовлар бошланишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг буйруғи билан тегишли йўналишлар бўйича 3 нафардан кам бўлмаган таркибда тажрибали, малакали ва масъулиятли ўқитувчилардан шакллантирилган баҳолаш комиссиялари ташкил этилади;

баҳолаш комиссияси таркибига соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари киритилиши мумкин.

20². Ижодий синов видеотасвирлари ва амалий ишлари ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг махсус хоналарида бир йил сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

20³. Ижодий синовлар натижалари тегишли касб ва ихтисослик кесимида алоҳида имтиҳон қайдномаларига киритилади.

Ушбу имтиҳон қайдномалари ҳар бир йўналиш бўйича баҳолаш комиссияси раиси ва комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади”;

21-банддаги “Комиссия” сўзи “Баҳолаш комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

39 ва 49-бандлардаги “худудий халқ таълими бўлимлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг худудий бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 40¹-банд билан тўлдирилсин:

“40¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда ижодий синовлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун 5-7 нафар соҳанинг етук мутахассислари ва малакали ўқитувчилардан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркиби таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссияси таркибига баҳолаш комиссияси аъзоларининг киритилиши тақиқланади.

Ижодий синовни қабул қилган баҳолаш комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари апелляция комиссияси томонидан бир кун муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқишда апелляция комиссияси номзоднинг ижодий синовдаги овозли видеоёзувлари ёки ижодий ишларини тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ҳар томонлама ўрганади.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш ёки қўйилган балларни қайта баҳолаш натижасига кўра ўзгартириш қарорларидан бирини қабул қилади”;

қуйидаги мазмундаги 6¹-боб билан тўлдирилсин:

“6¹-боб. Ўқувчиларни ўқишдан четлаштириш, бошқа йўналишга ўтказиш ва ўқувчилар ўқишини кўчириш

51¹. Ўқувчилар ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлардан қуйидаги ҳолатларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқишнинг бошқа таълим муассасаларига кўчирилиши муносабати билан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

Ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

Ўқувчининг суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

51². Директорнинг ўқувчини ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлардан четлаштириш тўғрисидаги буйруғига қуйидагилардан бири асос бўлади:

ота-онанинг аризаси;

педагогик кенгаш қарори;

ўқитувчининг билдиришномаси.

51³. Академик ўзлаштира олмаган, ўқув интизومي ва ички тартиб-қоидаларини бузган ўқувчилар педагогик кенгаш қарори асосида аввал ўқиган мактабига қайтариб юборилади (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, худуддаги бошқа мактабга).

51⁴. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар доирасида ўқувчиларни бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказиш ҳамда бошқа таълим муассасаларидан ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқувчилар ўқишини кўчириш учун таълим муассасаси директорининг буйруғига асосан 5-7 нафардан иборат таркибда кўчириш комиссияси (кейинги ўринларда – кўчириш комиссияси) тузилади.

51⁵. Кўчириш комиссияси таркибига таълим муассасаси директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Таълим муассасаси директори кўчириш комиссияси раиси ҳисобланади.

Кўчириш комиссияси ўқув йили давомида фаолият юритади.

51⁶. Кўчириш комиссияси томонидан бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказишда ҳамда ўқишини кўчиришда ўқувчининг мазкур йўналиш бўйича давлат таълим талабларининг минимал даражасини билиши ҳисобга олинади.

51⁷. Ўқувчилар бир йўналишдан бошқа йўналишга ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг 1–9-синфларида ўқув йили давомида ўтказилади.

10–11-синфларда бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказишга йўл қўйилмайди.

51⁸. Ўқувчиларнинг бошқа таълим муассасаларидан ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқиши ўқув йили давомида бўш ўринга танлов асосида кўчирилади.

51⁹. Кўчириш комиссиясининг қарори ижобий бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги руҳсати билан (таълим муассасаси доирасидаги бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказиш бундан

мустасно), кўчириш комиссияси қарорига асосан таълим муассасаси директори ўқувчини танлаган йўналишига ўтказиш ёки ўқувчининг ўқишини кўчириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

51¹⁰. Ўқув йили тугаганда бўш ўринлар учун қўшимча танлов эълон қилиниши ва ўтказилиши мумкин.

51¹¹. Ўқувчининг бошқа таълим муассасасидан ўқишини кўчиришда ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса, унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси;

б) таҳсил олаётган таълим муассасасининг номи, йўналиши, мутахассислиги ва синфи кўрсатилган ҳолда ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақида табелъ”;

56-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва Молия вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

57-банднинг биринчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлигининг” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

63-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда ўқишга кунлик қатнаб, таълим муассасаси ошхонасидан овқатланмайдиган ўқувчилардан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра ўқувчилар таъминоти учун тўлов ундирилмайди”;

в) 3-иловада:

3-банддаги “Молия вазирлиги ғазначилик бўлинмасида” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати кўмитасида” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“санъат соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таълим масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ёшларнинг изчил интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, уларни она Ватанга, юксак фуқаролик, инсонийлик фазилатларига, миллий ғояларга, ўз халқининг маънавий-тарихий, умумбашарий қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқараш ва фикрлашга эга бўлган ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш”;

8-банддаги “Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 10¹-банд билан тўлдирилсин:

“10¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан бепул таъминланади”;

14-банддаги “ижрочилиги мутахассисликлари” сўзлари “йўналишлари (касб ва мутахассисликлари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Ўқувчиларнинг ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқиши бўш ўринга танлов асосида кўчирилади”;

қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

“18¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар битирувчи ўқувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тасдиқланади”;

19-банднинг биринчи хатбошиси “мактаб-интернатлар” сўзларидан кейин “ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган” сўзлари билан тўлдирилсин;

21-банднинг учинчи хатбошиси “(олий маълумотга эга бўлган мутахассислар билан таъминлангунга қадар)” сўзларидан кейин “ўқув-ишлаб чиқариш таълими устаси ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 22¹–22³-бандлар билан тўлдирилсин:

“22¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари директорлари ва директор ўринбосарлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда, Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил қилинадиган менежерлик ўқув курсларида ўқитилади.

22². Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларининг педагог ходимлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда малака ошириш курсларига жалб этилади.

22³. Малака ошириш ташкилотларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши ҳамда мустақил малака ошириши белгиланган тингловчиларнинг якуний аттестацияси ўтказиладиган даврда уларнинг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, ўқув юкламалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда малака ошириш учун бошқа ҳудудлардан юборилган тингловчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ётоқхона ва кунлик харажатлари ҳамда ўқишга бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган ташкилот ҳисобидан қопланади;

23-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида” сўзлари “А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва ҳудудий педагогик маҳорат марказларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг биринчи хатбошиси “кўриб чиқиш бўйича” сўзларидан кейин “қабул” сўзи билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги 26¹–26⁶-бандлар билан тўлдирилсин:

“26¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда ижодий синовлар куйидаги тартибда ўтказилади:

ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг комиссияси тегишли касб ва ихтисослик бўйича баҳолаш комиссияси таркибига номзодларни ўз вақтида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Бадий академиясига тақдим этади;

ижодий синовлар бошланишидан олдин Ўзбекистон Бадий академиясининг буйруғи билан тегишли йўналишлар бўйича 3 нафардан кам бўлмаган таркибда тажрибали, малакали ва масъулиятли ўқитувчилардан шакллантирилган баҳолаш комиссиялари ташкил этилади;

баҳолаш комиссияси таркибига соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари киритилиши мумкин.

26². Ижодий синов ишлари ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг махсус хоналарида бир йил сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

26³. Жадвал бўйича ижодий синовларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган ўқувчилар учун қайта ижодий синовлар ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

26⁴. Тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича имтиҳон натижалари ижодий синовлар яқунлангандан сўнг уч кун мобайнида эълон қилинади.

26⁵. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда ижодий синовлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун 5-7 нафар соҳанинг етук мутахассислари ва малакали ўқитувчилардан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркиби таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссияси таркибига баҳолаш комиссияси аъзоларининг киритилиши тақиқланади.

Ижодий синовни қабул қилган баҳолаш комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари ижодий синовлар натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан бир кун муддатда кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқишда апелляция комиссияси номзоднинг ижодий синовдаги овозли видеоёзувлари ёки ижодий ишларини тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ҳар томонлама ўрганади.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш ёки қўйилган балларни қайта баҳолаш натижасига кўра ўзгартириш қарорларидан бирини қабул қилади.

26^б. Ижодий синовлар натижалари тегишли касб ва ихтисослик кесимида алоҳида имтиҳон қайдномаларига киритилади.

Ушбу имтиҳон қайдномалари ҳар бир йўналиш бўйича баҳолаш комиссияси раиси ва комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади”;

27-банддаги “Комиссия” сўзи “Баҳолаш комиссияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“31. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга танловлар ҳар йили 5–20 июль кунлари ўтказилади”;

куйидаги мазмундаги 4¹-боб билан тўлдирилсин:

“4¹-боб. Ўқувчиларни ўқишдан четлаштириш, бошқа йўналишга ўтказиш ва ўқувчилар ўқишини кўчириш

34¹. Ўқувчилар ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлардан куйидаги ҳолатларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқишнинг бошқа таълим муассасаларига кўчирилиши муносабати билан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

ўқув интизомини ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

ўқувчининг суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

34². Директорнинг ўқувчини ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлардан четлаштириш тўғрисидаги буйруғига куйидагилардан бири асос бўлади:

ота-онанинг аризаси;
педагогик кенгаш қарори;
ўқитувчининг билдиришномаси.

34³. Академик ўзлаштира олмаган, ўқув интизоми ва ички тартиб-қоидаларини бузган ўқувчилар педагогик кенгаш қарори асосида аввал ўқиган мактабига қайтариб юборилади (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, худуддаги бошқа мактабга).

34⁴. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар доирасида ўқувчиларни бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказиш ҳамда бошқа таълим муассасаларидан ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқувчилар ўқишини кўчириш учун таълим муассасаси директорининг буйруғига асосан 5-7 нафардан иборат таркибда кўчириш комиссияси (кейинги ўринларда – кўчириш комиссияси) тузилади.

34⁵. Кўчириш комиссияси таркибига таълим муассасаси директори, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Таълим муассасаси директори кўчириш комиссияси раиси ҳисобланади.

Кўчириш комиссияси ўқув йили давомида фаолият юритади.

34⁶. Кўчириш комиссияси томонидан бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказишда ҳамда ўқишини кўчиришда ўқувчининг мазкур йўналиш бўйича давлат таълим талабларининг минимал даражасини билиши ҳисобга олинади.

34⁷. Ўқувчилар бир йўналишдан бошқа йўналишга ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг 1–9-синфларда ўқув йили давомида ўтказилади.

10–11-синфларда бир йўналишдан бошқа йўналишга ўтказишга йўл кўйилмайди.

34⁸. Ўқувчиларни бошқа таълим муассасаларидан ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқишини кўчириш ўқув йили давомида бўш ўринга танлов асосида амалга оширилади.

34⁹. Кўчириш комиссиясининг қарори ижобий бўлган тақдирда, Ўзбекистон Бадиий академияси рухсати билан (таълим муассасаси доирасидаги бир йўналишдан бошқасига ўтказиш бундан мустасно), кўчириш комиссияси қарорига асосан таълим муассасаси директори ўқувчини танлаган йўналишига ўтказиш ёки ўқувчининг ўқишини кўчириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

34¹⁰. Ўқув йили тугаганда бўш ўринлар учун кўшимча танлов эълон қилиниши ва ўтказилиши мумкин.

34¹¹. Ўқувчининг бошқа таълим муассасасидан ўқишини кўчиришда ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси;

б) таҳсил олаётган таълим муассасасининг номи, йўналиши, мутахассислиги ва синфи кўрсатилган ҳолда ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақида табель”;

қуйидаги мазмундаги 37¹–37³-бандлар билан тўлдирилсин:

“37¹. Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг директори ва директор ўринбосарлари малака талабларида, меҳнат шартномаси (контракт)да ва ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар уставида назарда тутилган ўз функционал вазифаларини бажариши юзасидан масъулдирлар.

37². Қуйидагилар Ўзбекистон Бадиий академиясининг ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларни бошқариш бўйича вазифалари ҳисобланади:

ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш, уларнинг ташкилий-кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда давлат таълим талабларига мувофиқ, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг намунавий ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва намуналари, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчиларга глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларга ўқишга қабул қилиш комиссиялари фаолиятини ташкил этиш;

яқуний давлат аттестациясини ташкил этиш ва ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар битирувчиларига давлат намунасидаги дипломлар бериш.

37³. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Маданият вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларни бошқариш бўйича вазифалари ҳисобланади:

ўқитувчилар малакасини психологик-педагогик жиҳатдан оширишни ташкил этишда Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорлик қилиш;

умумтаълим фанлари ҳамда мусиқа йўналишлари бўйича илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурларига ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш бўйича илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

умумтаълим фанлари ҳамда муסיқа йўналишлари бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқиш, нашр этириш ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ўқув-методик таъминланишини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 11 августдаги 473-сон қарорида:

а) 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академиясига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 73-банди еттинчи хатбошисидаги “Куролли Кучлар Академиясида (Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи кадрлари малакасини ошириш маркази)да” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетида” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 3-илова қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

“15¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 15-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

б) 4-илова қуйидаги мазмундаги 16¹-банд билан тўлдирилсин:

“16¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 16-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

в) 5б-илова қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

“15¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 15-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

г) 5в-илова қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

“13¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 13-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

“18¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 241-сон қарори билан тасдиқланган Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати академиясига бакалаврият таълим йўналиши бўйича кундузги таълим шаклида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги “170” рақами “165” рақами билан алмаштирилсин;

б) 7-банддан “ДХХнинг расмий веб-сайтида ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Академияда ўқишга танлов бошланганлиги тўғрисида қабул йилидан олдинги йилнинг 1 октябридан сўнг оммавий ахборот воситаларида эълон берилади. Танловда қатнашиш истагини билдирган номзодлар қабул йилидан олдинги йилнинг 1 октябридан 20 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда – Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги) расмий веб-сайтидан рўйхатдан ўтадилар”;

г) 11-банддаги “15 ноябрига” сўзлари “25 октябрга” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 15-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Дастлабки саралаб олиш тест синовлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ДХХ билан тузилган шартнома асосида номзоднинг она тили, тарих, математика ҳамда чет тили фанларидан билим даражасини аниқлаш мақсадида қабул йилидан олдинги йилнинг 25 октябридан 15 ноябргача ўтказилади”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тест топшириқлари шакли (фан мазмуни таркиби, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри), баҳолаш мезонлари, тест синовини ўтказиш муддатлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ва Академия томонидан тасдиқланади ҳамда расмий веб-сайтларга тест синовлари бўлиб ўтишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади.

Тест синовлари яқунланганидан сўнг 3 кун ичида тест синовлари натижалари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади”;

е) 19-банднинг биринчи хатбошисидаги “15–31 декабрь кунлари” сўзлари “ноябрь-декабрь ойларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 33-банднинг биринчи хатбошисидаги “июнь” сўзи “май” сўзи билан алмаштирилсин;

з) 35-банддаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 36-бандда:

биринчи хатбошидаги “Давлат тест маркази” ва “таълим муассасаларига” сўзлари тегишлича “Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги” ва “таълим ташкилотларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ДХХнинг расмий веб-сайтида” сўзлари “Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 49, 51 ва 55-бандлардаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизмати академиясига бакалаврият таълим йўналиши бўйича кундузги
таълим шаклида ўқишга номзодларни саралаб олиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Академия	Академияда ўқишга ёшларни жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Танловда қатнашиш истагини билдирган номзодлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтидан рўйхатдан ўтадилар.	Қабул йилидан олдинги йилнинг 1–20 октябрь кунлари

I. Даствлабки саралаб олиш

2-босқич	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	Даствлабки саралаб олиш тест синовларини ўтказади.	Қабул йилидан олдинги йилнинг 25 октябридан 15 ноябригача
	ДХХ бўлинма ва органлари ҳамда ПДХХнинг тегишли органлари	Хужжатларни тўплайди ва даствлабки ўрганишни ўтказади.	Қабул йилидан олдинги йилнинг 20 ноябридан 31 декабригача
	Мутахассис – психологлар	Индивидуал психологик ҳамда психофизиологик ўрганиш ўтказади.	Қабул йилидан олдинги йилнинг ноябрь-декабрь ойларида
	Худудий ҳарбий-тиббий комиссия	Тиббий кўрикдан ўтказади.	Қабул йилидан олдинги йилнинг декабрь ойида
	Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича махсус комиссия	Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг даствлабки босқичини ўтказади.	Қабул йилининг январь ойида

II. Махсус касбий танлаш

3-босқич	ДХХ бўлинма ва органлари ҳамда ПДХХнинг тегишли органлари	Хужжатларни якуний ўрганади.	Қабул йилининг январь-апрель ойларида
	Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича махсус комиссия	Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг якуний босқичини ўтказади.	Қабул йилининг март-апрель ойларида
	ДХХ бўлинма ва органлари ҳамда ПДХХнинг тегишли органлари	Якуний суҳбат ўтказади.	Қабул йилининг апрель-май ойларида
	Махсус ҳарбий-тиббий комиссия	Якуний тиббий кўрикдан ўтказади.	Қабул йилининг май ойида

III. Тест синовлари

4-босқич	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	Тест синовларини ўтказди.	Белгиланган муддатларда
5-босқич	Қабул комиссияси	<p>1. Ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>2. Академияга қабул қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ўташ жойларига буйруқдан кўчирма юборади.</p>	Тест синовлари натижалари тақдим этилганидан сўнг 5 кун муддатда Буйруқ чиққандан сўнг 10 кун муддатда

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 37-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномани келишиш учун зарур бўлган материаллар номзод ўқишга қабул қилингандан сўнг расмийлаштирилади”;

б) куйидаги мазмундаги 57¹-банд билан тўлдирилсин:

“57¹. Тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномани расмийлаштириш учун зарур бўлган материаллар номзодларни Университетга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан эътиборан Университетнинг кадрлар бўлими томонидан 5 кун ичида тегишли идораларга юборилади”.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги 555-сон қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти куйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатилганда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 11-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мустасно)”.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-банди биринчи хатбошисидаги “бир баравари” сўзлари “эллик фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сон қарори билан тасдиқланган Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

“12¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 12-бандида белгиланган йиғим суммаларининг 50 фоизи ундирилади”;

б) қуйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

“30¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан мазкур низомнинг 30-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон қарорида:

а) 1-иловада:

14-банднинг биринчи хатбошисидаги “1 апрелигача” сўзлари “20 мартгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг (кейинги ўринларда – Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети) “Психология (ҳарбий психология)” таълим йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти (кейинги ўринларда – Ҳарбий алоқа институти) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий тиббиёт институтига (кейинги ўринларда – Ҳарбий тиббиёт институти) ўқишга кириш истагини билдирган, тегишлилигича психология, педагогика ва муҳандислик-техник таълим йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасаларининг иккинчи босқичини, олий тиббий таълим муассасалари даволаш факультетларининг бешинчи босқичи ва тиббий-профилактика факультетларининг тўртинчи босқичини тамомлаган талабалар (кейинги ўринларда – талабалар) тегишли олий таълим муассасалари ректорлари номига мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Аризалар олий таълим муассасалари томонидан улар жойлашган ҳудуддаги тегишли мудофаа ишлари бўлимларига икки кун муддатда юборилади”;

19¹-банддаги “Қуролли Кучлар Академияси” сўзлари “Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг биринчи хатбошидаги “психология ва педагогика, муҳандислик-техник таълим йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва” сўзлари “психология, педагогика ва муҳандислик-техник таълим йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

36-бандда:

“а” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “10 апрелга” сўзлари “31 мартга” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Темурбеклар мактаби” ва “Ёш чегарачилар” ҳарбий академик лицейлари” сўзлари “ҳарбий-академик лицейлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “11 апрелдан 31 майгача” сўзлари тегишлича “1 апрелдан 20 майгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “олий ҳарбий авиация билим юртига” сўзлари “Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтига” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги “10 апрелгача” сўзлари “31 мартгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

“39¹. ОХТМга ўқишга киришда имтиёзга эга бўлган номзодларнинг ягона базаси ҳар йил 1 июнга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Билимни баҳолаш агентлигининг махсус ахборот тизимига киритилади”;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40. Тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномани келишиш учун зарур бўлган материаллар номзод ўқишга қабул қилингандан сўнг расмийлаштирилади”;

43 ва 45-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги “11 апрелдан 31 майгача” сўзлари тегишлича “1 апрелдан 20 майгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“47. Дастлабки саралаб олиш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг рўйхатлари мазкур Низомга 9^а-иловага мувофиқ шаклда мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан 1 июнга қадар ОХТМ қабул комиссиясига юборилади.

ОХТМ қабул комиссияларига тақдим этилаётган рўйхатларнинг тўғри, аниқ ва ҳаққонийлигига жавобгарлик масаласи шахсан мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳарбий қисмлар (муассасалар) командирлари (бошлиқлари) зиммасига юкланади”;

қуйидаги мазмундаги 47¹-банд билан тўлдирилсин:

“47¹. Дастлабки саралаб олиш тадбирларининг барчасида иштирок этмасдан муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганлиги сабабли ҳарбий хизматдан бўшатишган номзодларнинг йиғмажилдлари ушбу ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм (муассаса) рўйхатидан чиқарилган куни уларнинг яшаш (ҳарбий ҳисобга қўйиш) жойидаги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғига юборилади.

Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи номзод танлаган ОХТМ қабул комиссияси котиби билан ушбу номзодларни иштирок этмаган дастлабки саралаб олиш тадбирларида қатнашишини таъминлайди”;

59-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“59. ОХТМга ўқишга киришда имтиёзга эга бўлган номзодларнинг ягона базаси ҳар йил 1 июнга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Билимни баҳолаш агентлигининг махсус ахборот тизимига киритилади”;

65-банддаги “10 июлига” сўзлари “5 июнига қадар (шу куни ҳам)” сўзлари билан алмаштирилсин;

71-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“71. Ўқишни Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг “Психология (ҳарбий психология)” таълим йўналиши, Ҳарбий алоқа институти ҳамда Ҳарбий тиббиёт институтида давом эттириш истагини билдирган талабалар тегишли равишда таълим йўналишидаги 5 та фандан иборат мажмуа бўйича тест синовини топширади. Фанлар мажмуаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети, Ҳарбий алоқа институти ҳамда Ҳарбий тиббиёт институти томонидан ҳар йил февраль ойи якунига қадар тасдиқланади. Тасдиқланган фанлар мажмуаси ва фанлар бўйича ўқув дастурлари тест топшириқларини шакллантириш учун Билимни баҳолаш агентлигига тақдим этилади.

Тест топшириқлари Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети, Ҳарбий алоқа институти ҳамда Ҳарбий тиббиёт институти томонидан тавсия этилган профессор-ўқитувчилар томонидан Билимни баҳолаш агентлигида тузилади ва экспертзадан ўтказилади.

Тест топшириқлари китобидаги ҳар бир фан 20 та топшириқни ўз ичига олади. Тест топшириқларини бажариш учун (жавоблар варақасини тўлдириш билан бирга) 100 та саволга 3 соат 20 дақиқа вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл берилади”;

76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“76. ОХТМга ўқишга қабул қилиш жараёнида Билимни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра квота бўйича белгиланган рўйхатда охириги ўринда турувчи номзоднинг (талабалар бундан мустасно) тўплаган жами бали билан ундан кейинги ўринда турувчи номзодларнинг тўплаган баллари бир хил бўлса, уларнинг барчаси ўқишга қабул қилинадилар.

Тест синовлари натижаларига кўра Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг “Психология (ҳарбий психология)” таълим йўналиши, Ҳарбий алоқа институти ҳамда Ҳарбий тиббиёт институтида ўқишни давом эттириш истагини билдирган талаба номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари тенг бўлган ҳолларда улар орасида биринчи икки фандан тест натижалари юқори бўлган талаба номзод қабул қилинади, шунда ҳам баллар тенг бўлиб қолган тақдирда, олий таълим муассасасида таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражаси юқори бўлган талаба номзод ўқишга қабул қилинади”;

77-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномани расмийлаштириш учун зарур бўлган материаллар номзодларни ОХТМга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган кундан эътиборан ОХТМ кадрлар бўлимлари томонидан 5 кун ичида тегишли идораларга юборилади”;

78-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“78. ОХТМ томонидан ўқишга қабул қилинган номзодлар ҳамда уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдларини чақиртириш бўйича тегишли мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳарбий қисмларга (муассасаларга) сўровнома юборилади.

ОХТМнинг сўровномасига асосан ўқишга қабул қилинган номзодлар ҳамда уларнинг шахсий ҳужжатларининг йиғмажилдлари мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан тегишли ОХТМга юборилади”;

81-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳарбий-тиббий комиссия хулосаларига асосан Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг “Психология (ҳарбий психология)” таълим йўналиши, Ҳарбий тиббиёт институти ва Ҳарбий алоқа институтида таҳсил олишга яроқсиз деб топилган курсантлар ОХТМ курсантлари рўйхатидан чиқариладилар ва дастлаб ўқишга кирган олий таълим муассасаларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар”;

87-банднинг биринчи хатбошисидаги “давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома бекор қилинганлиги” сўзлари “тегишли идоралар томонидан тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома расмийлаштирилмаганлиги ёки мазкур ҳуқуқдан маҳрум қилинганлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловининг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий таълим муассасаларида
ўқишга номзодларни саралаб олиш тadbирлари комплексини
босқичма-босқич амалга ошириш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тadbирлар	Бажариш муддатлари
I. Ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) топшириш ва қабул комиссияларини ташкил этиш			
1-босқич	Номзодлар	Мудофаа ишлари бўлимлари (ҳарбий қисм, муассасалар)га олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ариза (билдиргилар) топширади.	1 февралдан 31 мартгача
2-босқич	Вазирликлар	Олий ҳарбий таълим муассасалари қабул комиссияларини ташкил этади.	10 мартгача
	Қабул комиссияси	Қабул комиссияси таркибида кичик комиссиялар тузади.	20 мартгача
II. Ҳарбий-профессионал йўналтириш			
3-босқич	Вазирликлар	Номзодларда ҳарбий хизматга қизиқишни шакллантириш ва офицерлик касби ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мақсадида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (ЧҚБТ) раҳбарларини фаол жалб этган ҳолда, олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳудудий органларнинг, ҳарбий-академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари билан ўзаро алоқани йўлга қўяди.	Доимий (битирувчилар билан сентябрь – январь)
	Ҳудудий органлар	ЧҚБТ раҳбарлари билан (ҳар йилги) ўқув-методик йиғинлар ўтказилади.	Доимий
	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбарлари ва ўқитувчилари	Ёшларнинг ҳарбий қисм, ОХТМ вакиллари, фахрийлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувини ташкил этади. Жойлардаги таълим муассасаларининг аълочи битирувчилари билан учрашув, машқ йиғинлари, шунингдек, мақсадли тарғибот ишларини ташкил этади.	Доимий сентябрь-октябрь
	Психология ва педагогика, муҳандислик-техник таълим йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва олий тиббий таълим	Талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг “Психология (ҳарбий психология)” таълим йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институтига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий тиббиёт институтига номзодларни танлаш ва офицерлик касбининг шарафлилигини тарғиб этишга қаратилган ташвиқот ишларини амалга оширади.	сентябрь-январь

	муассасалари ректорлари		
4-босқич	Мудофаа ишлари бўлимлари, харбий қисм (муассасалар)	III. Дастлабки саралаб олиш Номзоднинг ҳужжатларини тўплайди ва ўрганади. Номзод билан яқка тартибда суҳбат ўтказади. Бирламчи тиббий кўриқдан ўтказади.	1 февраль- 31 март
	Қабул комиссияси	Индивидуал-психологик ўрганиш ўтказади. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолайди. Яқуний тиббий кўриқдан ўтказади.	1 апрелдан 20 майгача
	Мудофаа ишлари бошқармалари, харбий қисм (муассасалар)	Дастлабки саралаб олиш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодларнинг рўйхатларини ОХТМ қабул комиссиясига юборади.	1 июнгача
	Қабул комиссияси	Номзодлар ҳақидаги маълумотларни Билимни баҳолаш агентлигининг махсус дастурига киритади.	5 июнгача
IV. Тест синовларини ўтказиш ва ўқишга қабул қилиш			
5-босқич	Билимни баҳолаш агентлиги	Тест синовларини ташкил этади.	июль-август
		Тест синови натижаларини қабул комиссиясига тақдим этади.	Тест синовлари тўлиқ якунланган куннинг эртасига
6-босқич	Қабул комиссияси	Ўқишга тавсия этилган номзодлар ҳақидаги маълумотларни Билимни баҳолаш агентлигига тақдим этади.	Икки кунлик муддатда
		Тест синовлари натижаларини эълон қилади.	Тест синовлари натижалари тақдим этилгандан сўнг 2 кун муддатда
		Тегишли баённомаларни расмийлаштиради.	Тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг 1 кун муддатда
		ОХТМга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларни расмийлаштиради.	Баённома тасдиқлангандан сўнг 2 кун муддатда
		Тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномани расмийлаштириш учун зарур бўлган материалларни тегишли идораларга юборади.	Буйруқ қабул қилингандан сўнг 5 кун муддатда

2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Т И Л Х А Т

Мен, _____
(Ф.И.О.)

(олий ҳарбий таълим муассасасининг номи)

Ўқишга қабул қилинсам, ўқишни тугатганимдан сўнг тузилган контрактда кўрсатилган муддат тугамасдан ёки беш календарь йил мобайнида офицерлар таркиби лавозимларида хизматни ўтамасдан ҳарбий хизматни (хизматни) ўташдан бош тортсам, шунингдек, контракт шартларини бажармаганлигим, содир этган жиноятим учун судланганлигим сабабли ҳарбий хизматдан резервга бўшатишга ёки бундай контрактни тузишдан бош тортсам, ўқиш даврида менга сарфланган бюджет маблағларини қоплаш бўйича тўлиқ моддий жавобгарлигим, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ менга тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома берилмаса, Ўзбекистон Республикасининг таклиф қилинган бошқа олий таълим муассасаларига ўқишимни кўчиришим ёхуд ўз хоҳишим билан ўқишдан кетишим тўғрисида огоҳлантирилдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____

Биз, _____
(Ф.И.О.)

_____ га ўқишга

(олий ҳарбий таълим муассасасининг номи)

киришга номзоднинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), фарзандимиз

_____ (Ф.И.О.)

Ўқишга қабул қилинса, ўқишни тугатгандан сўнг у билан тузилган контрактда кўрсатилган муддат тугамасдан ёки беш календарь йил мобайнида офицерлар таркиби лавозимларида хизматни ўтамасдан ҳарбий хизматни (хизматни) ўташдан бош тортса, шунингдек, контракт шартларини бажармаганлиги, содир этган жинояти учун судланганлиги сабабли ҳарбий хизматдан резервга бўшатишга ёки бундай контрактни тузишдан бош тортса, ўқиш даврида унга сарфланган бюджет маблағларини қоплаш бўйича тўлиқ моддий жавобгарлигимиз, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома берилмаса, Ўзбекистон Республикасининг таклиф қилинган бошқа олий таълим муассасаларига ўқишини кўчириши ёхуд ўз хоҳиши билан ўқишдан кетиши тўғрисида огоҳлантирилдик.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____”;

3-илованинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

“ _____ га
 (туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ф.И.О.)
 _____ да
 (номзоднинг яшаш жойи)
 яшовчи _____
 (номзоднинг туғилган йили ва санаси)
 _____ дан
 (Ф.И.О.)

А Р И З А

Мени, ўз хоҳишимга кўра _____ га
 (олий ҳарбий таълим муассасасининг номи ва мутахассислиги)

ўқишга кириш учун номзодлар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида _____ алифбосида топшираман.
 (ўзбек, қорақалпоқ, рус) (кирилл, лотин)

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат сирларини, қонун билан ҳимоя қилинадиган ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда берман.

Ўқишга қабул қилинсам, бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ менга тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома берилмаса, ўқишимни Ўзбекистон Республикасининг таклиф қилинган бошқа олий таълим муассасаларига кўчиришга ёки ўз хоҳишим билан ўқишдан кетишга розиман.

 (имзо)

 (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____”;

4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ _____ га
(номзоднинг бевосита бошлигининг номи)

БИЛДИРГИ

Мен, _____
(ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, Ф.И.О., лавозими, тузилган йили, санаси ва жойи,
ҳарбий хизматга чақирилган йили ва санаси)

Сиздан ўз хоҳишимга кўра мени _____ га
(олий ҳарбий таълим муассасасининг номи
ва мутахассислиги)

ўқишга кириш учун номзод сифатида юқори қўмондонликка тавсия этишингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида _____ алифбосида топшираман.
(ўзбек, қорақалтоқ, рус) (кирилл, лотин)

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат сирларини, қонун билан ҳимоя қилинадиган ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда берман.

Ўқишга қабул қилинсам, бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ менга тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома берилмаса, ўз хоҳишим билан ўқишдан кетишга розиман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____”;

5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ _____ га
(олий таълим муассасаси ректори Ф.И.О.)

_____ да
(номзоднинг яшаш жойи)

яшовчи _____
(номзоднинг туғилган йили ва санаси)

_____ дан
(Ф.И.О.)

А Р И З А

Мени, ўз хоҳишимга кўра _____ га
(олий ҳарбий таълим муассасасининг номи ва мутахассислиги)

ўқишга кириш учун номзодлар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Тест синовларини _____ тилида _____ алифбосида топшираман.
(ўзбек, қорақалтоқ, рус) (кирилл, лотин)

Чет тили бўйича тест синовларини (имтиҳонни) _____ тилида топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган жойда хизмат қилишга тайёрман. Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат сирларини, қонун билан ҳимоя қилинадиган ва хизматга оид маълумотларни сир сақлашга ваъда бераман.

Ўқишга қабул қилинсам, бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ менга тегишли шакл бўйича давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатнома берилмаса, ўз хоҳишим билан ўқишдан кетишга розиман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____”;

6-иловада:

номидаги “олий ҳарбий авиация билим юртида” сўзлари “Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтида” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги “олий ҳарбий авиация билим юртида” сўзлари “Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтида” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қабул йилининг 20 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтининг кичик қабул комиссияси томонидан инглиз ва рус тили фанлари бўйича

саволлар шакллантирилади ҳамда кичик қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади”;

9-банднинг биринчи хатбошисидаги “олий ҳарбий авиация билим юртида” сўзлари “Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтида” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 9^а-илова билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомга
9^а-илова

_____ га _____ вилояти МИБдан дастлабки саралаб олиш
(ОХТМ номи) (ҳудуд)
тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О., (паспорт (ID-карта) маълумотлари асосида) туғилган йили, миллати, паспорт (ID-карта) маълумотлари	Маълумоти	Яшаш жойидаги туман (шаҳар) ИИБдан маълумотнома	Соғлиғи ҳолати бўйича маълумотнома	Номзод ҳақида қўшимча маълумотлар (телефон рақами (оиласидан яна бир кишининг рақами), ОХТМга ўқишга кириш учун имтиёз ва бошқалар)	Тест синовларини қайси ҳудуддан ва қайси тилда топширади
1.	ИСМОИЛОВ Акрамжон Алижон ўғли, 26.08.2000 йил, ўзбек. Паспорт (ID-карта) рақами: AD 0000000, Шахсий рақам (ЖШШИР): 0000000000000000	Ўрта махсус, 2019 йилда Фарғона солиқ коллежини тамомлаган	Профилактик ҳисобда турмайди	Яроқли	Тел: _____ Тел: _____ Тавсиянома рақами QK-000001, инглиз тилидан “В1” сертификати мавжуд AB-0000000	Фарғона вилоятида, ўзбек тилида
2.	ПЎЛАТОВ Шерали Анвар ўғли, 28.03.2000 йил, тожик. Паспорт (ID-карта) рақами: AC 0000000, Шахсий рақам (ЖШШИР): 0000000000000000	Ўрта, 2022 йилда Ургут туманидаги 25-сонли умумтаълим мактабини тамомлаган	Профилактик ҳисобда турмайди	Яроқли	Тел: _____ Тел: _____ Тавсиянома рақами QK-000001, инглиз тилидан “В1” сертификати мавжуд AB-0000000	Самарқанд вилоятида, рус тилида
...						

Изоҳ.

1. Рўйхатдаги барча маълумотлар тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган бўлиши шарт (паспорт (ID-карта), сертификат, маълумотнома ва бошқалар).

2. Номзодлар ҳақида қўшимча маълумотлар устунда номзод тўғрисида қуйидаги маълумотлар киритилиши шарт:
телефон рақами;

ОХТМга ўқишга кириш учун имтиёз рақами, чет тилини билиш даражаси бўйича сертификат рақами (мавжуд бўлса);
нотўлиқ оилада ўсган номзодлар (ота-онаси вафот этган бўлса, ўлим сабаблари кўрсатилиши шарт).

3. Рўйхатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан ҳарбий округ (бирлашма)лар кадрлар бўлимлари, ҳарбий қисм командирлари ва муассаса бошлиқлари, шунингдек, вилоят МИБ бошлиқлари жавобгар ҳисобланади.

4. ОХТМ қабул комиссиясига номзоднинг паспорт (ID-карта) ва имтиёз нусхаси ҳамда тиббий маълумотноманинг асл нусхаси рўйхат билан бирга юборилиши шарт.

_____ ВИЛОЯТИ МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ

_____ (ҳарбий унвони)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____ М. Ў.”;

б) 2-илованинг 1–5-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети
2.	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий тиббиёт институти
3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Қуруқликдаги қўшинлар институти
4.	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институти
5.	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институти

”.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 10¹-банд билан тўлдирилсин:

“10¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 10-бандида белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “40” рақами “42” рақам билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 41 ва 42-иловалар билан тўлдирилсин:

“Махсус электрон тизим орқали айрим
фаолият турларини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
41-илова

**Қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш),
қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш
ПАСПОРТИ**

1.	Лицензия номи:	Қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия.
2.	Лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари:	а) қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш); б) қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ва реализация қилиш.
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	1. Қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолияти учун лицензия олиш мақсадида мурожаат қилган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар. 2. Қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти учун лицензия олиш мақсадида мурожаат қилган юридик шахслар.
4.	Лицензияловчи орган:	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги.
5.	Лицензияни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	1. Қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолиятини амалга ошириш учун: ариза; аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: а) юридик шахслар учун: номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисобрақами, телефон рақамлари, электрон почта ва веб-сайти манзили (мавжуд бўлса), ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами); қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси (шохобчалари) тўғрисида тегишли маълумот; қабул қилиш шохобчалари паспорти, бош режаси, муҳандислик-техник коммуникацияларининг мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар; б) якка тартибдаги тадбиркор учун: фамилияси, исми, шарифи, ЖШШИР, банк ҳисобрақами, ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; мобил телефон рақами, турар жой телефон рақами (мавжуд бўлса); қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси тўғрисида тегишли маълумот; қабул қилиш шохобчаси паспорти, бош режаси, муҳандислик-техник коммуникацияларининг

		<p>мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.</p> <p>2. Қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун:</p> <p>а) ариза; аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисоб рақами, телефон рақамлари, электрон почта ва веб-сайти манзили (мавжуд бўлса), ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги;</p> <p>б) қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси (шохобчалари) тўғрисида маълумот;</p> <p>в) ишлаб чиқариш объекти тўғрисида маълумот, шу жумладан: корхона паспорти, бош режаси, шунингдек, ишлаб чиқариш цикли, лойиҳа ҳужжатлари, технологик йўриқномалар ва муҳандислик-техник коммуникацияларининг мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;</p> <p>қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш учун эритиш ускунасининг (печь) паспорти ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумот;</p> <p>г) раҳбар ва муҳандис-техник ходимлари саноат хавфсизлиги соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси оширилганлиги ҳамда аттестациядан ўтказилганлиги, ходимларнинг касбий малакаси тўғрисидаги тегишли ҳужжатларининг нусхалари (радиоактив металл парчаларини аниқлаш, портлаш хавфсизлиги, портловчи объектларни аниқлаш, малака тоифаси берилганлиги, махсус тайёргарликдан ўтганлиги ҳақидаги сертификатлар);</p> <p>д) қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш бўйича корхонанинг ички меъёрий ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот.</p>
6.	Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари.
7.	Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори:	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари.
8.	Аризани кўриб чиқиш муддатлари:	қора металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолияти бўйича – 10 иш куни; қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти бўйича – 20 иш куни.
9.	Лицензия талаблари ва шартлари:	<p>1. Қора металл парча ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари:</p> <p>1.1. Юридик шахс учун:</p> <p>а) қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилишда қуйидаги маълумотларнинг мавжудлиги таъминланиши лозим:</p>

қабул қилувчининг номи, манзили, алоқа телефон рақамлари, тасдиқнома нусхаси;

қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш учун масъул шахслар тўғрисида маълумот;

иш тартиби;

қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шартлари, қоидалари ва нархлари;

қабул қилиниши таъқиқланган қора металл парча ва чиқиндиларининг рўйхати;**

б) рухсат берилган ҳудудда қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш, саралаш жараёнларида талаб этиладиган асбоб-ускуналар, жумладан:

сертификатланган ва калибрланган тарозилар (автомобиль, осма, платформа ва ҳ.к.);*

юклаш ва тушириш механизм ва ускуналари (металл парчалари учун юклагич, боғланган ва бўлакчи товарлар учун кўтариш мосламалари бўлган манипулятор (илгак, ушлагич, магнит);*

ёнғинга қарши ўт ўчириш воситалари мавжудлиги.*

1.2. Якка тартибдаги тадбиркор учун:

йиғиш майдони учун тегишли ер участкаси ва/ёки бинога эгалик ҳуқуқи (мавжуд бўлса).

2. Қора металл парча ва чиқиндиларини **қайта ишлаш** ҳамда **реализация қилиш** соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари:

2.1. Қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилишда кўринадиган ва қулай жойда қуйидаги маълумотларнинг мавжудлиги таъминланиши лозим:

а) корхонанинг номи, манзили, алоқа телефон рақамлари тўғрисида маълумот;

б) иш тартиби тўғрисида маълумот;

в) қора металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шартлари, қоидалари ва нархлари тўғрисида маълумот;

г) қабул қилиниши таъқиқланган қора металл парча ва чиқиндиларининг рўйхати.**

2.2. Талабгор ҳудудида қора металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш технологик жараёнларида талаб этиладиган асбоб-ускуналар, жумладан:

а) дозиметрик ва радиацион кузатув мосламалари (сертификатланган радиометрлар, дозиметрлар);*

б) белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган ва калибрланган тарозилар (автомобиль, осма, платформа);*

в) қора металл парча ва чиқиндиларини, котишмаларининг кимёвий таркибини аниқлаш учун ускуналар (анализаторлар, спектрометрлар, лазер, рентген флуоресанли, спектрал анализаторлар);

г) юклаш ва тушириш машиналари ва ускуналари (металл парчаси юклагичи, қуйма, боғланган ва бўлакчи товарлар учун кўтариш мосламалари бўлган манипулятор (илгак, ушлагич,

		<p>магнит);</p> <p>д) пўлат эритиш печларида пўлат эригандан сўнг пўлатни комплекс қайта ишлайдиган агрегатда ишлов бериш;*</p> <p>е) белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториясининг мавжуд бўлиши ҳамда ушбу лабораторияда эритилган пўлат ва тайёр маҳсулотларнинг ҳар бир партиясини қатъий сифат назоратидан ўтказиш тартиби мавжудлиги;*</p> <p>ж) ёнғинга қарши ўт ўчириш воситалари мавжудлиги.*</p> <p>2.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ишлаб чиқариш хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларига риоя этиши.*</p>
10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	<p>Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси – табиатни муҳофаза қилиш ва экология бўйича қўйиладиган минимал талаблар лицензия талабгори томонидан бажарилганлиги тўғрисидаги хулоса;</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси – саноат хавфсизлиги бўйича қўйиладиган минимал талаблар лицензия талабгори томонидан бажарилганлиги тўғрисидаги хулоса;</p> <p>Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги – ўрнатилган технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналарнинг ҳолати техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжат талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса.</p>
11.	Лицензиянинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган.
12.	Изоҳ.	<p>Радиоактив, кимёвий ифлосланган ва портловчан қора металл парча ва чиқиндилари аниқланган ҳолларда лицензиат зарур чораларни кўриш учун зудлик билан тегишли органларга белгиланган тартибда хабар беради.</p> <p>* Қўпол равишда бузилиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</p> <p>** Вазирлар Маҳкамасининг “Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 июндаги 425-сон қарори билан тасдиқланган Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-банди асосида.</p>

Махсус электрон тизим орқали айрим
фаолият турларини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги ягона низомга
42-илова

**Рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта
ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш
ПАСПОРТИ**

1.	Лицензия номи:	Рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия.
2.	Лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари:	а) рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш); б) рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ва реализация қилиш.
3.	Ариза берувчилар тоифаси:	1. Рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолияти учун лицензия олиш мақсадида мурожаат қилган яқка тартибдаги тадбиркорлар. 2. Рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти учун лицензия олиш мақсадида мурожаат қилган юридик шахслар.
4.	Лицензияловчи орган:	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги.
5.	Лицензияни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:	1. Рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолиятини амалга ошириш учун: ариза; аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: а) юридик шахслар учун: номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисобрақами, телефон рақамлари, электрон почта ва веб-сайти манзили (мавжуд бўлса), ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами); рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси (шохобчалари) тўғрисида тегишли маълумот; қабул қилиш шохобчалари паспорти, бош режаси, муҳандислик-техник коммуникацияларининг мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар. б) яқка тартибдаги тадбиркор учун: фамилияси, исми, шарифи, ЖШШИР, банк ҳисобрақами, ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги; мобил телефон рақами, турар жой телефон рақами (мавжуд бўлса); рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси тўғрисида тегишли маълумот; қабул қилиш шохобчаси паспорти, бош режаси, муҳандислик-техник коммуникацияларининг

		<p>мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.</p> <p>2. Рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун:</p> <p>а) ариза; аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: юрidik шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисобрақами, телефон рақамлари, электрон почта ва веб-сайти манзили (мавжуд бўлса), ариза тўлдириш сабаби ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги тўғрисида ариза;</p> <p>б) рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шохобчаси (шохобчалари) тўғрисида маълумот;</p> <p>в) ишлаб чиқариш объекти тўғрисида маълумот, шу жумладан: корхона паспорти, бош режаси, шунингдек, ишлаб чиқариш цикли, лойиҳа ҳужжатлари, технологик йўриқномалар ва муҳандислик-техник коммуникацияларининг мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;</p> <p>рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш учун эритиш ускунасининг (печь) паспорти ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумот;</p> <p>г) ташкилотнинг раҳбар ва муҳандис-техник ходимлари саноат хавфсизлиги соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси оширилганлиги ҳамда аттестациядан ўтказилганлиги, ходимларнинг касбий малакаси тўғрисидаги тегишли ҳужжатларининг нусхалари (радиоактив металл парчаларини аниқлаш, портлаш хавфсизлиги, портловчи объектларни аниқлаш, малака тоифаси берилганлиги, махсус тайёргарликдан ўтганлиги ҳақидаги сертификатлар);</p> <p>д) рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш бўйича корхонанинг ички меъёрий ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот.</p>
6.	<p>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</p>	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари.</p>
7.	<p>Лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдори:</p>	<p>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари.</p>
8.	<p>Аризани кўриб чиқиш муддатлари:</p>	<p>рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) фаолияти бўйича – 10 иш куни; рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти бўйича – 20 иш куни.</p>
9.	<p>Лицензия талаблари ва шартлари:</p>	<p>1. Рангли металл парча ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари:</p> <p>1.1. Юридик шахс учун:</p> <p>а) рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилишда маълумотларнинг мавжудлиги таъминланиши лозим:</p>

		<p>қабул қилувчининг номи, манзили, алоқа телефон рақамлари, тасдиқнома нусхаси;</p> <p>рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш учун масъул шахслар тўғрисида маълумот;</p> <p>иш тартиби;</p> <p>рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шартлари, қоидалари ва нархлари;</p> <p>қабул қилиниши таъқиқланган рангли металл парча ва чиқиндиларининг рўйхати; **</p> <p>б) рухсат берилган ҳудудда рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш, саралаш жараёнларида талаб этиладиган асбоб-ускуналар, жумладан:</p> <p>сертификатланган ва калибрланган тарозилар (автомобиль, осма, платформа ва ҳ.к.);*</p> <p>юклаш ва тушириш механизм ва ускуналари (металл парчалари учун юклагич, боғланган ва бўлакли товарлар учун кўтариш мосламалари бўлган манипулятор (илгак, ушлагич, магнит);*</p> <p>ёнғинга қарши ўт ўчириш воситалари мавжудлиги.*</p> <p>1.2. Якка тартибдаги тадбиркор учун:</p> <p>йиғиш майдони учун тегишли ер участкаси ва/ёки бинога эгалик ҳуқуқи (мавжуд бўлса).</p> <p>2. Рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш соҳасида умумий лицензия талаблари ва шартлари:</p> <p>2.1. Рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилишда кўринадиган ва қулай жойда қуйидаги маълумотларнинг мавжудлиги таъминланиши лозим:</p> <p>а) корхонанинг номи, манзили, алоқа телефон рақамлари тўғрисида маълумот;</p> <p>б) иш тартиби тўғрисида маълумот;</p> <p>в) рангли металл парча ва чиқиндиларини қабул қилиш шартлари, қоидалари ва нархлари тўғрисида маълумот;</p> <p>г) қабул қилиниши таъқиқланган рангли металл парча ва чиқиндиларининг рўйхати; **</p> <p>2.2. Талабгор ҳудудида рангли металл парча ва чиқиндиларини қайта ишлаш технологик жараёнларида талаб этиладиган асбоб-ускуналар, жумладан:</p> <p>а) дозиметрик ва радиацион кузатув мосламалари (сертификатланган радиометрлар, дозиметрлар);*</p> <p>б) белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган ва калибрланган тарозилар (автомобиль, осма, платформа);*</p> <p>в) рангли металл парча ва чиқиндиларини, қотишмаларининг кимёвий таркибини аниқлаш учун ускуналар (анализаторлар, спектрометрлар, лазер, рентген флуоресанли, спектрал анализаторлар);</p> <p>г) юклаш ва тушириш машиналари ва ускуналари (металл парчаси юклагичи, қуйма,</p>
--	--	---

		<p>боғланган ва бўлакчи товарлар учун кўтариш мосламалари бўлган манипулятор (илгак, ушлагич, магнит);*</p> <p>д) ёнғинга қарши ўт ўчириш воситалари мавжудлиги;*</p> <p>2.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ишлаб чиқариш хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларига риоя этиши.*</p>
10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	<p>Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси – табиатни муҳофаза қилиш ва экология бўйича қўйиладиган минимал талаблар лицензия талабгори томонидан бажарилганлиги тўғрисидаги хулоса;</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси – саноат хавфсизлиги бўйича қўйиладиган минимал талаблар лицензия талабгори томонидан бажарилганлиги тўғрисидаги хулоса;</p> <p>Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги – ўрнатилган технологик жараёнлар ва асбоб-ускуналарнинг ҳолати техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжат талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса.</p>
11.	Лицензиянинг амал қилиш муддати:	Чекланмаган.
12.	Изоҳ.	<p>Радиоактив, кимёвий ифлосланган ва портловчан рангли металл парча ва чиқиндилари аниқланган ҳолларда лицензия зарур чораларни кўриш учун зудлик билан тегишли органларга белгиланган тартибда хабар беради.</p> <p><i>* Кўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.</i></p> <p><i>** Вазирлар Маҳкамасининг “Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 июндаги 425-сон қарори билан тасдиқланган Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-банди асосида.</i></p>

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш тугалланган объектни топшириш-қабул қилиш ва фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 27¹-банд билан тўлдирилсин:

“27¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 27-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликати бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

“9¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентнинг 9-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги 398-сон қарори билан тасдиқланган Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди “а”–“д” кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетида тўрт йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий тиббиёт институтида икки йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 650 баравари;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий алоқа институтида икки йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 650 баравари;

г) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Куруқликдаги кўшинлар институтида:

тўрт йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 300 баравари;

беш йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари;

д) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институтида:

беш йиллик ўқиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 600 баравари;

беш йиллик ўқиш (учувчилар таркибини тайёрлаш) учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 000 баравари”.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-банди иккинчи хатбошисидаги

“Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Академиясининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорида:

а) 1-иловада:

қуйидаги мазмундаги 25¹-банд билан тўлдирилсин:

“25¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи ундирилади”;

қуйидаги мазмундаги 35¹-банд билан тўлдирилсин:

“35¹. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказишда таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи ундирилади”;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

“23¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи ундирилади”;

в) 6-иловада:

қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

“28¹. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентга 7-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи ундирилади”;

қуйидаги мазмундаги 61¹-банд билан тўлдирилсин:

“61¹. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Регламентга 7-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи ундирилади”.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги меъёрларининг III боби “3. Болалар муסיқа ва санъат мактаблари” бўлими 1-бандининг “Йиллик узайтирилган меҳнат таътили” устундаги “27” рақами “56” рақами билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 июлдаги 309-сон қарори билан тасдиқланган Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

“14¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан мазкур Регламентнинг 14-бандида белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 2 сентябрдаги 437-сон қарорида:

а) 3-банддан “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-банддаги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари “Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг бюджет ва бюджетдан ташқари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

4–6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. “Ибратли оила” кўкрак нишонини олиш учун номзод оила ҳар йили 1 мартга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ушбу Низомга 1а-иловада келтирилган сўровномани тўлдиради ҳамда унга оиланинг эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилади.

Номзод оиланинг аризаси маҳалла хотин-қизлар фаоли томонидан Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилиб, ҳар йили 10 мартга қадар кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар шакллантирилади ва “Маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида туман (шаҳар) Оила ва хотин-қизлар бўлимларига махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали юборилади.

Номзод оила бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида мазкур оила ҳақида маълумотнома, сўнгги уч йил давомида оила аъзолари томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома тақдим этилади.

5. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари кўкрак нишонига тавсия қилинаётган номзод оилаларни ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда тузиладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш туман (шаҳар) комиссияси томонидан ҳар томонлама

ўрганилишини ташкил этади, уларнинг фаолиятига оид барча маълумотларни тегишли йиғилиш қарорлари асосида ҳар йили 15 мартга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаларига махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали юборади.

6. Номзод оилаларни кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар ушбу Низомга 3-иловада келтирилган таркибда тузиладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияси томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Мазкур таклиф ва қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасига (кейинги ўринларда – Қўмита) махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали юборилади”;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Номзод оиланинг кўкрак нишони билан тақдирланганлиги тўғрисидаги хабарнома 10 майга қадар мазкур Низомга 3а-иловага мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги ариза берувчининг шахсий кабинетига юборилади.

Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси мукофотланган оилаларга 15 май – Халқаро оила куни байрами арафасида Қўмита раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади”;

қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

“18¹. Қўмитанинг махсус ахборот тизимида тақдим этилган “Ибратли оила” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари рақамли кўринишда юритилади”;

1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ибратли оила” кўкрак нишонига номзод оилаларни тақдирлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Хотин-қизлар фаоли, Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, маҳалла еттилиги	1. Номзод оила ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади ва ариза юборади. 2. Таклифларни “Маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарори асосида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали тақдим этади.	Ҳар йили 1 мартга қадар

2-босқич	Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари, “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш туман (шаҳар) комиссияси	Номзод оилаларни ҳар томонлама ўрганади (ҳар бир комиссия аъзоси ўз хулосасини ЭРИ билан имзолайди) ва йиғилиш қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларига махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали юборади.	Ҳар йили 15 мартга қадар
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, “Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш ҳудудий комиссияси	Номзод оилаларни кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқади (ҳар бир комиссия аъзоси ўз хулосасини ЭРИ билан имзолайди), тегишли қарорлар қабул қилади ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасига махсус ахборот тизими (ayol.gov.uz) орқали юборади.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
4-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш комиссияси	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзод оилалар ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқади (ҳар бир комиссия аъзоси ўз хулосасини ЭРИ билан имзолайди) ва якуний хулосани қабул қилади.	Ҳар йили 15 апрелга қадар
5-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	Комиссиянинг хулосаси асосида Қўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғини чиқаради.	Ҳар йили 5 майга қадар
6-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	Номзод оила кўкрак нишони билан тақдирланиши юзасидан ЯИДХПдаги аризачининг шахсий кабинетига хабарнома юборади.	Ҳар йили 10 майга қадар
7-босқич	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар)	Кўкрак нишони билан тантанали тарзда тақдирлайди.	Ҳар йили 15 май – Халқаро оила куни арафасида

”;

қуйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

“Ибратли оила” кўкрак нишони
тўғрисидаги низомга
1а-илова

Номзод оила томонидан “Ибратли оила” кўкрак нишони билан
тақдирлашнинг саралаш босқичида иштирок этиш учун
СЎРОВНОМА

Т/р	Талаб этиладиган маълумотлар*
Эрнинг маълумотлари	
1.	ЖШШИР
2.	Паспорт (ID-карта) серияси рақами
3.	Иш жойи
Хотиннинг маълумотлари	
4.	ЖШШИР
5.	Паспорт (ID-карта) серияси рақами
6.	Иш жойи
Оиланинг маълумотлари	
7.	Никоҳ гувоҳномасининг серияси рақами
8.	Эр-хотиннинг эришган ютуқлари <i>(илова қилинади)</i>
9.	Оила аъзоларининг ўқиш жойи ва ўқишда эришган ютуқлари <i>(илова қилинади)</i>
10.	Оила аъзоларининг илмий даражаси <i>(агар бўлса, маълумот илова қилинади)</i>
11.	Оила аъзоларининг бандлик ҳолати
12.	Агар бўлса, васийликка ёки ҳомийликка олган вояга етмаганлар ҳақида маълумот <i>(илова қилинади)</i>
13.	Давлат мукофоти ҳамда кўкрак нишонлари билан тақдирлангани <i>(гувоҳнома нусхаси илова қилинади)</i>
14.	Китоб, қўлланма ва асарлар яратгани ҳамда илм-фан, таълим, адабиёт ривожига ҳисса қўшаётгани <i>(асословчи маълумотлар илова қилинади)</i>
15.	Оила аъзоларининг наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги <i>(“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади)</i>
16.	Хунарманд, спорт, тадбиркор, ижодкор, ҳарбий хизматчи <i>(расмли маълумотлар илова қилинади)</i>
17.	Оила аъзоларининг судланган ёки судланмагани тўғрисида маълумотнома <i>(“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади)</i>
18.	Оила аъзоларининг ўртасида ажрим ҳолатлари мавжудлиги <i>(Оила таркиби бўйича)</i>
19.	10 йилдан ортиқ қайнона ва қайнота (бошқа қариндошлар) билан бирга намунали яшаб келаётган оила, унинг маҳалладаги ўрни ва “Яшил макон” лойиҳаси доирасида қилинган ишлари <i>(расмли маълумотлар илова қилинади)</i>

Фарзандлари тўғрисида маълумот	
20.	ЖШШИР
21.	Паспорт (ID-карта)/туғилганлик гувоҳномаси, серия рақами
22.	Иш ёки ўқиш жойи
23.	Фарзандлари эришган ютуқлари <i>(илова қилинади)</i>

**) Сўровномадаги шахсга доир маълумотлар “Рақамли ҳукумат” идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқланади”;*

2-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни саралаш
туман (шаҳар) комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, *комиссия раиси*
2. *Лавозимига кўра* – Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутати *(келишув асосида)*
3. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи
4. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбари
5. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) Ички ишлар бўлими бошлиғи
6. *Лавозимига кўра* – Савдо-саноат палатаси туман (шаҳар) бўлими раҳбари *(келишув асосида)*
7. *Лавозимига кўра* Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман (шаҳар) бўлинмаси раҳбари
8. *Лавозимига кўра* туман (шаҳар) касаба уюшмаси кенгаши раиси *(келишув асосида)*
9. *Лавозимига кўра* – Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи
10. *Лавозимига кўра* “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси *(келишув асосида)*
11. *Лавозимига кўра* – туман (шаҳар) Оила ва хотин-қизлар бўлими мутахассиси, *ишчи гуруҳ масъул котиби”;*

3-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ибратли оила” кўкрак нишони учун номзодларни
саралаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, *комиссия раиси*
2. *Лавозимига кўра* – Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгаши депутати (*келишув асосида*)
3. *Лавозимига кўра* – ҳудудий Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи
4. *Лавозимига кўра* – ҳудудий Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
5. *Лавозимига кўра* – ҳудудий Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
6. *Лавозимига кўра* – Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси раҳбари (*келишув асосида*)
7. *Лавозимига кўра* – Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлими раҳбари
8. *Лавозимига кўра* – ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси (*келишув асосида*)
9. *Лавозимига кўра* – Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
10. *Лавозимига кўра* “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси (*келишув асосида*)
11. *Лавозимига кўра* – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оила ва хотин-қизлар бошқармалари мутахассиси, *комиссия масъул котиби”*;

қуйидаги мазмундаги За-илова билан тўлдирилсин:

“Ибратли оила” кўкрак нишони
тўғрисидаги низомга
За-илова
НАМУНА

**“Ибратли оила” кўкрак нишони бўйича юборилган аризининг натижаси
юзасидан хабарнома**

Фуқаронинг Ф.И.О:	
Аризининг натижаси	Тавсия этилди/Рад этилди
*агар танлов бўйича ғолиб деб топилган оилага:	Яшаш манзилидаги Оила ва хотин-қизлар бўлимига муурожаат қилинг

Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун mu.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобиль телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.

Ҳужжатнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
QR-код

Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган”;

низомга 4-илованинг изоҳ қисми иккинчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари чиқариб ташлансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 сентябрдаги 477-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти куйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

“22¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан мазкур Регламентнинг 21-бандида белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

31. Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарорида:

а) 3-иловада:

122-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“122. Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгач “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида мавжуд маълумотлар асосида автоматик равишда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси,

фарзандларининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига ўлим қайд этилгани ҳақида QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома юборилади, ариза берувчига ўлим ҳақида гербли гувоҳнома ва қабристонга тақдим этиш учун тегишли намунадаги маълумотнома берилади.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилган вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ўлим ҳақида гербли гувоҳнома олиш юзасидан ЯИДХП орқали ҳам мурожаат қилиши мумкин, далолатнома ёзувлари Ўзбекистондан ташқарида қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ариза берувчи хоҳишига кўра гербли гувоҳномани Ўзбекистон ҳудуди доирасида почта алоқаси орқали олиши мумкин.

Бунда почта харажатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади.

ФХДЁ органи ўлим ҳақида гербли гувоҳнома бериш тўғрисидаги ЯИДХП орқали келиб тушган аризани кўриб чиқишда, агар далолатнома ёзуви ариза берилган ФХДЁ бўлимининг ўзида қайд этилган бўлса, бир иш куни ичида, бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, уч иш куни ичида ўлим ҳақида гербли гувоҳнома расмийлаштириб, ариза берувчининг ўзига ёки у томонидан аризада кўрсатилган манзилга етказиб бериш учун почта хизмати ходимиغا тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими томонидан ариза берувчига белгиланган тартибда тегишли нафақа тайинланиши учун “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали хабарнома юборилади.

Агар “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида вафот этган шахснинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бўйича маълумот мавжуд бўлса, унинг вафот этганлиги ҳақидаги маълумот туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидаги “Белгилар учун” устунига киритилади”;

қуйидаги мазмундаги 192¹ ва 192²-бандлар билан тўлдирилсин:

“192¹. Хорижий давлатнинг ваколатли органида туғилиши қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг фарзанди ёхуд Ўзбекистонда туғилган шахснинг маълумотлари легализация қилинган ёки апостиль қўйилган туғилганликни тасдиқловчи ҳужжатлари (гувоҳнома, сертификат ва бошқа тегишли ҳужжатлар) асосида “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида киритилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Бунда туғилганликни тасдиқловчи ҳужжат давлат тилига таржима қилинган ҳамда таржимоннинг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

Агар туғилганликни тасдиқловчи хужжатда боланинг фамилияси ва (ёки) ота исми кўрсатилмаган бўлса, фамилияси ва (ёки) ота исми “XXX” белгилари кўйилган ҳолда ахборот тизимига киритилади.

Хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган туғилганликни тасдиқловчи хужжатни “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритиш учун вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки улардан бири, вояга етган шахснинг ўзи, васий ёки ҳомийси ёхуд ушбу шахслар нотариал тасдиқланган ишончнома асосида ваколат берган бошқа шахслар ФХДЁ органига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

192². Хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган туғилганликни тасдиқловчи хужжатни “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритиш ҳақидаги ариза ЯИДХП орқали электрон шаклда берилиши мумкин.

Ариза ЯИДХП орқали электрон шаклда берилган тақдирда, ариза берувчининг шахси Face-ID ёки MuID тизимлари орқали тасдиқланади.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига аризани кўриб чиқиш вақти ва ўзи билан ушбу Қоидаларнинг 192¹-бандида белгиланган тегишли хужжатларни асл нусхасини олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Бунда хабарнома юборилган кундан бошлаб, беш иш куни ичида ариза берувчилар тегишли ФХДЁ органига мурожаат қилмаса ҳамда тегишли хужжатларнинг асл нусхасини тақдим этмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

б) 5-иловада:

2-банднинг “б” кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тиббиёт муассасасидан ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома келиб тушиши билан “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали ўлим ҳақида далолатнома ёзувини автоматик равишда қайд этади ва ўлим ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимларига ҳамда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги (кейинги ўринларда – ЯИДХП) шахсий кабинетига электрон шаклда юборади;”;

6-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи–олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг талабига асосан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани почта алоқаси орқали етказиб бериш ҳақидаги ариза (электрон буюртма) ФХДЁ бўлимига юборилади.

Мазкур аризада ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар (Ф.И.О., вафот этган шахсга қариндошлик даражаси, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, телефон рақами) ҳамда ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома етказиб берилиши сўралаётган манзил (Ўзбекистон худуди доирасида) кўрсатилади.

Почта харажатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади”;

Учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

7-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Пенсия жамғармаси ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизимларига электрон шаклда юборади” сўзлари “Пенсия жамғармаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ахборот тизимларига ҳамда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани почта алоқаси орқали етказиб бериш ҳақида тиббиёт муассасаси орқали ариза (электрон буюрма) берилган бўлса, ариза келиб тушгандан сўнг бир иш куни ичида гербли гувоҳномани расмийлаштиради ҳамда аризада кўрсатилган манзилга етказиб бериш учун почта хизмати ходимига тақдим этади”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

1-иловада:

1-босқичда:

“Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ўлим ҳолати белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг вафот этган шахс ҳақидаги маълумотларни электрон тиббий маълумотномани шакллантириш учун махсус электрон бланкка киритиш ва автоматик равишда ўлим ҳақида далолатнома ёзувини қайд қилиш учун ФХДЁ бўлимига “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юборади.

2. Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг талабига асосан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани почта алоқаси орқали етказиб бериш ҳақидаги ариза (электрон буюртма) ФХДЁ бўлимига юборилади”;

“Бажариш муддати” устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мурожаат қилинган вақтда”;

2-босқичда:

“Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали автоматик равишда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этиш ва бу ҳақдаги маълумотномани тиббиёт муассасаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) ҳамда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандларининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборади.

2. Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани почта алоқаси орқали етказиб бериш ҳақида тиббиёт муассасаси орқали ариза (электрон буюрма) берилган бўлса, гербли гувоҳномани расмийлаштиради ҳамда аризада кўрсатилган манзилга етказиб бериш учун почта хизмати ходимига тақдим этади.

3. Вафот этган шахснинг яқин қариндошлари ва меросхўрларининг (улар бўлмаганда, дафн этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсларнинг) исталган вақтдаги талабига асосан экстерриториал тамойил асосида ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномани чоп этиб бериш ёки почта алоқаси орқали аризада кўрсатилган манзилга юборади”;

“Бажариш муддати” устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ариза келиб тушгандан сўнг бир иш куни ичида”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида:

а) қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

“9¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан паспортларда белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

б) 26-илованинг 7-позиция учинчи устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Нотариуслар томонидан композит хизмат сифатида фуқаролик ҳолати далолатномалари архив маълумотномалари (туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажралиш, ўлим, оталикни белгилаш) берилиши мумкин. Бунда мазкур давлат хизмати Давлат хизматлари марказларининг хизмат кўрсатиш тизими орқали кўрсатилади”;

в) 27-илованинг 7-позиция учинчи устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Нотариуслар томонидан композит хизмат сифатида доимий яшаш жойи тўғрисида маълумотномалар берилиши мумкин. Бунда мазкур давлат хизмати Давлат хизматлари марказларининг хизмат кўрсатиш тизими орқали кўрсатилади”;

г) 31-илованинг 7-позиция учинчи устуни қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Нотариуслар томонидан композит хизмат сифатида архив ҳужжатлари берилиши мумкин. Бунда мазкур давлат хизмати Давлат хизматлари марказларининг хизмат кўрсатиш тизими орқали кўрсатилади”.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 635-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламенти қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан Паспортларда белгиланган тўлов суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 февралдаги 87-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 15-банди биринчи хатбошисидаги “бир баравари” сўзлари “эллик фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳайъати аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 13 февралдаги 88-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳайъати аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | | |
|----|-----------------------------------|---|--|
| 1. | Назарбеков
Озодбек Аҳмадович | – | маданият вазири |
| 2. | Таджиханов
Авазхон Баҳадирович | – | маданият вазирининг биринчи ўринбосари |
| 3. | Ахмедов
Баҳодир Маджитович | – | маданият вазирининг биринчи ўринбосари |
| 4. | Маджидов
Муроджон Абдуллаевич | – | маданият вазири ўринбосари |
| 5. | Усмонов
Юсуфжон Камолдинович | – | маданият вазири ўринбосари |
| 6. | Ризаев
Шухратилла Турсунович | – | Маданият вазирлиги ҳузуридаги
Кинематография агентлиги директори в.б |
| 7. | Атагелдиев
Дилмурод Қабил ўғли | – | Маданият вазирлигининг
Стратегик режалаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими
бошлиғи |

8. Усманов Баҳром Абдиназарович – Маданият вазирлигининг Концерт-томоша фаолиятини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
9. Джамалдинов Алишер Худайбердиевич – Маданият вазирлиги ҳузуридаги “Маданият таълими маркази” давлат муассасаси директори
10. Темирбаев Бегисбай Жумабаевич – Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири
11. Тилавов Шерзод Бешимович – Маданият вазирлигининг Маданий фаолият, номоддий маданий мерос ва халқ ижодиётини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи”.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 1 майдаги 256-сон қарорида:

а) 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси:

а) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

б) 2026 йил 1 октябрга қадар халқаро юридик фирмани жалб этган ҳолда, инновацияларни рағбатлантириш ва соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган рақамли платформа операторининг монополияга қарши тартибга солишнинг алоҳида хусусиятларини белгиловчи тартибни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ушбу кичик банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган алоҳида тартиб кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган рақамли платформа оператори фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунида белгиланган умумий қоидаларга асосан монополияга қарши тартибга солинади”;

б) 2-иловада:

1-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган рақамли платформа операторларига нисбатан татбиқ этилади”;

4-банддан “унинг жойлашган ва давлат рўйхатидан ўтган жойидан қатъи назар” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 августидаги 472-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авиация хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-позицияси “Амалга ошириш механизми” устуни 4-бандидаги “Мудофаа вазирлигининг Олий ҳарбий авиация билим юрти” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг Ҳарбий авиация институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги 897-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

39. Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 7 августдаги 500-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

“3¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

“3¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

40. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

“15¹. Таълим ташкилотида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи педагог шахслардан ушбу Низомнинг 15-бандида белгиланган йиғим суммасининг 50 фоизи ундирилади”.

41. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳайъати таркибини тасдиқлаш тўғрисида” 2026 йил 23 январдаги 24-сон қарорининг 2-банди ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9. Мирзаев — Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат
Одил Алимович хизмати ходимлари касабга уюшмаси республика
кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

”

Изоҳ. Ушбу илованинг 21-банди 2026 йил 20 июлдан кучга киради.

